# ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

**Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами областимиз шаҳар ва районларида ҳам кенг нишонланди. Меҳнаткашлар вакилларининг байрам тантаналарида партия ва халқимизнинг бирлиги ёрқин намоён бўлди.**

### АНГРЕН

Шаҳарнинг Ленин номли майдонида ёш барабанчиларнинг тантанавор куйлари янграб, намойиш бошланаётганлигидан далолат берди. Бирин-кетин қирмизи алвон байроқлар кўтарган меҳнаткашлар колонналари майдонга кириб кела бошладилар.

Керамика комбинати ишчилари майолди социалистик мусобақасида ғолиб бўлдилар. Улар пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Завод коллективи қаҳрамон шаҳарлар меҳнаткашларининг 4 май куни Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. Улар шу куни смена топшириқларини ошириб бажаришга, пландан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

9-шахта коллективининг ҳам мақтаса арзигулик ютуқлари бор. Улар беш ойлик планни ортиғи билан бажардилар. Пландан ташқари 4 минг тонна кўп кўмир ишлаб чиқардилар.

Техника тараққиёти, илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилиш эвазига юқори натижаларга эришаётган яна бир коллектив «Резинотехника» заводидир. Шу йилнинг ўзида ўндан ортиқ янгилик ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида бир неча минг сўмлик иқтисодий самара олинди.

Намойишдан сўнг меҳнаткашлар оромгоҳларда, халқ сайлларида иштирок этдилар. Саноат корхоналарининг вокал-чолғу ансамбллари байрамга атаб тайёрлаган тинчлик, бахт, меҳнатни шарафловчи куй-қўшиқлари барчага манзур бўлди.

### ОЛМАЛИҚ

Эрталаб соат 10. Парадлар хиёбони байрамона безатилган. Ранг-баранг транспарантларда Биринчи Май, КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа самаралари ўз ифодасини топган. Намойишчилар колоннасини физкультурачилар бошлаб беришди. Сўнгра майдонга Улуғ Ватан уруши иштирокчилари кириб кела бошладилар. Уларнинг кўксини безаб турган меҳнат ва жанговар шон-шуҳрати нишонлари жанггоҳларда ва ишлаб чиқаришдаги жасоратларидан далолат бермоқда.

Намойишчилар колоннаси сафида 354-кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари боришмоқда. Улар байрамга муносиб совғалар билан келишди. Шу йилнинг биринчи кварталида 15 минг 370 квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди. Замонавий, барча қулайликларга эга бўлган бу бинолардан бир нечтаси кимёгарлар шаҳарчасида қад кўтарди.

Яқинда шаҳарнинг яна бир корхонаси — рух заводи коллективи катта муваффақиятга эришди. СССР рангли металлургия министрлиги тармоғидаги корхоналарнинг ўзаро социалистик мусобақасида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти билан тақдирланди.

### ЧИРЧИҚ

Кимёгарлар, металлурглар, энергетиклар колонналари эрта тонгдан В. И. Ленин номли майдон томон оқиб кела бошлади. Колонналар узра ҳилпираётган байроқлар ял-ял товланиб турибди. Чирчиқ шаҳри шонли анъаналарга бой. Ҳар йили шаҳардаги байрам намойишини уруш ветеранлари ва ишлаб чиқариш илғорлари бошлаб берадилар. Мана бугун ҳам улар майдон бўйлаб дадил қадам ташлаб боришяпти.

Чирчиқликлар байрамни меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олишди. «Ўзбеккиммаш» заводида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Абдужаббор Шерматов меҳнат қилади. У бошлиқ бригада байрам арафасида беш йиллик планини бажарди. Бригада аъзолари смена топшириқларини 125—130 процентдан ошириб бажаришмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг 98,6 проценти биринчи тақдимдаёқ юқори сифат билан қабул қилиняпти. Яна бир комсомол-ёшлар бригадаси заводнинг фахри ҳисобланади. Унга илғор ишчи Георгий Огай бошчилик қилади. У бошлиқ бригада ҳам юқори меҳнат кўрсаткичлари билан ишламоқда. Коллектив меҳнат арафасида беш ойлик планни ортиғи билан бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

### БЎКА

Қирмизи байроқлар, Май ва Меҳнатни шарафловчи транспарантларга безанган майдонда музика садолари янграйди. Владимир Ильич Ленин ҳайкали олдидан меҳнат ва уруш ветеранлари, колхозчилар доҳийга, Коммунистик партияга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан ўта бошладилар. Улар сафини Улуғ Ватан уруши иштирокчилари бошлаб бордилар.

Районда 2 мингга яқин Улуғ Ватан уруши иштирокчиси истиқомат қилади. Улар доим ардоқда.

### ПИСКЕНТ

Намойишга пахтакорлар, боғбонлар, соҳибкорлар, чорвадорлар ўз оилалари билан чиқдилар. Улар орасида оталарининг шонли анъаналарини давом эттираётган ёшлар, мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртининг талабалари ҳам бор.

Пискентликлар КПСС XXVII съездини катта меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг йўлга қўйганлар. Улар бугунги кунда далаларда, фермалар ва бошқа жойларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Район аҳолисининг турмуш маданияти ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Байрам арафасида кўплаб колхозчилар янги уйларда ҳовли тўйларини ўтказишди.

Далалардаги фидокорона иш кунидан сўнг колхоз клубларида, маданият саройларида бадиий ҳаваскорлик коллективлари ижросидаги куй-қўшиқлар янгради.

### КОММУНИСТИК

Марказий кўча бўйлаб ўтиб бораётган колонналарнинг ниҳояси кўринмайди. Улар орасида пахтакорлар, чорвадорлар, қурувчилар бор. Намойишчилар кўтариб олган плакат ва транспарантларда зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш ҳақидаги шиорлар, мурожаатномалар бор. Май байрамига қадар барча хўжаликларнинг пахта майдонларида тўла гектарлар ҳосил қилишга ҳаракат қилинди. Ҳозир хўжаликлар ғўзаларга дастлабки ишлов бериш билан бандлар.

### ҒАЛАБА

Майдонга барча иттифоқдош республикаларнинг байроқлари олиб кирилади. Ўқувчилар енгил ҳаракатлар билан Май, Меҳнат, Тинчлик деган сўзларни ёздилар. Бу йилги байрамга ғалабаликлар ёруғ юз билан келишди.

«Оқ олтин» ижодкорлари яқинлашиб келаётган Ғалаба байрамини янада юксак ютуқлар билан кутиб олишга аҳд қилдилар. Улар намойишдан сўнг қизғин меҳнат қучоғига пахта далаларига йўл олдилар.

**Байрам шодиёналари областимизнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам бўлиб ўтди. Намойиш ва митингларда меҳнаткашлар Коммунистик партия теварагига янада маҳкамроқ жипслашганликларини кўрсатдилар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили план ва топшириқларини муддатидан олдин бажариб, КПССнинг XXVII съездини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солишга азму-қарор қилганликларини изҳор этдилар.**

*СЎЗ—ТАЖРИБАКОРЛАРГА*

# ҲАР ТУПИНИ АСРАНГ, АВАЙЛАНГ

**ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ С. СЕГИЗБОЕВ НОМЛИ СОВХОЗНИНГ И. ЗИМИН БОШЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН БРИГАДАСИ ДЕҲҚОНЛАРИ ПАХТАДАН ЙИЛДАН-ЙИЛГА МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ОЛИБ КЕЛИШЯПТИ**



**ҚИШЛОҚДА катта бўлдим. Ёшлигимданоқ пахтакорнинг оғир меҳнатини, кузда кўсаклар бирин-кетин тиш ёриб, далалар оппоқ тонгдек жилолангандаги қувончини, мўлжалдаги хирмонни уйиб, эл олдида юзи ёруғ бўлгандаги ҳаяжонининг гувоҳи бўлдим. Шунинг учунми бу касбга қаттиқ меҳрим тушди. Мактабни битиргач дастлаб тажрибали деҳқон Салим Усеинов бошчилик қилаётган бригадада меҳнат қила бошладим. Менинг биринчи устозим ҳам Салим ака бўлди. У киши менга пахтачиликнинг сирларини, ўз тажрибаларини эринмасдан ўргатди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, яна пахтачиликда меҳнат қила бошладим. Энди тажрибам анча ошиб қилаётган ишимдан кўнглим тўлмоқда эди. Ана шундай кунларнинг бирида мени қолоқ бригадага бошлиқ этиб тайинлашди. Бригада ерларини айланиб чиқдим. Бу ерда жуда кўп иш қилиш керак эди. Устозим Салим Усеиновдан яна маслаҳат олдим. Хуллас, ишга киришиб кетдик. Бригада аъзолари билан тил топишдим. Ерларни экишга тайёрлашда, озиқлантиришда, ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишига асосий эътиборни қаратдик. Қолоқлик «жонига» теккан коллективимизнинг ҳар бир аъзоси астойдил тер тўкди. Натижа чакки бўлмади. Дастлабки йилиёқ ҳар гектар ердан 34,1 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдик.**

**...Мана шунга ҳам йигирма уч йил бўлди. Шу давр ичида бирон йил ҳам план ёки мажбуриятларимизни бажармасдан қолмадик. Лекин қийинчиликлар бўлди. Уларни фидокорона меҳнатимиз билан енгдик. Баъзан мендан муваффақиятларимизнинг сирини сўраб қолишади. Ана шунда бу саволга «меҳнат қилган албатта хирмон уяди» деб жавоб бераман.**

**Ҳақиқатан ҳам деҳқон ҳамиша изланиши керак. У илғор тажрибаларни, янгиликларни, фан-техника ютуқларини қўлланмас экан, олға силжиши қийин. Шу ўринда баъзи мисоллар келтирмоқчиман. Бригадамизда етиштирилаётган пахтанинг таннархи анча юқори эди. Шунда моҳир механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Владимир Тюпко билан учрашдим. Унга мақсадимни айтдим. Ана шунда у менга механизацияни кенг қўлланишни, шу тариқа ҳам қўл меҳнатини, ҳам пахта таннархини камайтириб боришни маслаҳат берди. Хуллас, унинг тажрибасини синчиклаб ўрганиб, ўз бригадамда татбиқ этдим. Шунингдек, меҳнаткашларнинг иш унуми юқори бўлишига тажрибали бригада бошлиғи Зиёвиддин Толиповнинг ёрдамида эришдим. Чунки Зиёвиддин ака ҳар бир деҳқон билан чин дилдан суҳбатлашар, унинг қалбига йўл топиб, ишга жалб этарди. Шунинг учун бўлса керак, ўша даврда районимизда ундан мўл ҳосил оладиган деҳқон кам эди.**

**Ўнинчи беш йилликнинг охири, ўн биринчи беш йилликнинг бошларида бўлимимизда ҳосилдорлик пасайиб кета бошлади. Қўшимча бир қатор тадбирларни амалга оширдик. Фойдаси бўлмади. Ғўзага касал тушиб кетаверарди. Бунинг объектив сабаби ҳам бор эди, албатта. Экин майдонларимизда сизот суви ер юзасига яқин жойлашган. Бундай майдонларда пахтадан мўл ҳосил олишнинг ўз омиллари бор. Лекин қанча ҳаракат қилмайлик ишда бурилиш бўлмасди. Ана шунда хаёлимга бундай мураккаб майдонларга мос пахта навини экиш керак, деган фикр келди. Шундай қилиб, ўз бригадамда «АН-Боёвут-2» навини синовдан ўтказдим. Янглишмаган эканман. Ҳосилдорлик бир йилдаёқ кескин кўтарилди. Энг муҳими асосий пахтамизни юқори сортларга сотдик. Давлатга пландаги 194,6 тонна ўрнига 200 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 90 проценти машиналар ёрдамида териб олинди.**

**1985 йилни бригадамиз меҳнаткашлари зарбдор йил деб эълон қилишган. Мақсадимиз ўн биринчи беш йилликни меҳнатда салмоқли натижалар билан якунлаб КПССнинг бўлажак XXVII съездини муносиб кутиб олишдир. Бунга ўтган йилнинг кузиданоқ мустаҳкам замин ҳозирлаганмиз. Сифатли тайёрланган майдонларга 4,5 иш кунида чигитни экиб олдик. Бу тадбирни бригадамизнинг тажрибали механизатори Рустам Мамутов амалга оширди. Бугун далаларимизда бўлсангиз бир текис униб чиққан ғўза ниҳолларини кўриб кўзингиз қувнайди. Эндиликда тўла гектарлар учун кураш кетяпти. Бизнинг шароитимизда ҳар гектар ерда ўртача 130—140 минг туп кўчат қолдириш яхши самара беради.**

**Мўл ҳосил етиштириш бир кишининг иши эмас. Бунинг учун ҳамма жон куйдириши лозим. Ана шундагина ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида ўтказилади. Коллективимиз аъзолари ана шундай меҳнат қилишяпти.**

**Бизда қатъий интизом йўлга қўйилган, чунки интизом бўлмаган жойда ишда унум ҳам, қуним ҳам бўлмайди. Фараз қилиб кўринг, механизатор бир кун сабабсиз ишга чиқмаса, ғўзага ишлов бериш кечикиб кетади. Бу деган сўз ҳосилнинг етилиши камида бир ҳафта сурилди демакдир ёки сувчи ғўзани ўз вақтида суғормаса ҳосилнинг бир қисмидан айрилдик деяверинг. Бундан ташқари, масъулият деган ибора бор. Хўш, деҳқончиликда масъулиятни ҳис этиш дегани нима ўзи? Менимча, бу — ҳар бир кишидан ўзига топширилган ишни тўла ва сифатли бажариши билан белгиланади. Зеро, механизатор ғўза қатор ораларига ишлов бердим, деб сифатсиз юмшатса, ундан фойда йўқ. Ёки бўлмаса сувчи қўллатиб суғорса, бу ҳам яхшиликка олиб келмайди.**

**Бизнинг бригадамизда меҳнат қилаётган 11 нафар киши буни дилдан ҳис этади. Ҳар бир тадбирни бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорликда бажарамиз. Шунинг учун ҳам хирмонимиз йилдан-йилга юксалиб боряпти. Коллективимизнинг Умарали Усмонов, Борис Тарасов, Гулзия Абитова, Анна Салина, Гулзода Алиева, Минивер Абитова, Жамила Примова сингари фидокорлари ўз меҳнатлари, ғайратлари билан ютуқларимизга салмоқли ҳисса қўшяптилар.**

**Юқорида таъкидлаганимдек, бу йил «оқ олтин» хирмонимизни янада юксалтирамиз. 68 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта йиғиштириб олиш учун бутун имкониятларимизни ишга соламиз. Дастлабки меҳнат натижаларимиз мажбуриятимизнинг, албатта, уддасидан чиқишимиздан далолат бериб турипти.**

**И. ЗИМИН,**
Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз бригадаси бошлиғи.

# 1. ЮКСАК СИФАТ ПОТОКЛАРИ

**«Малика» трикотаж, Тошкент тикувчилик, чарм-галантерея ва спорт товарлари бирлашмалари, «Ғунча» тикувчилик фабрикаси партия, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг меҳнат коллективларини иш жойларини аттестация қилиш, янги техника ва илғор технологияни, меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формаларини жорий этиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш формаларини такомиллаштиришга сафарбар этиш бўйича олиб бораётган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлари ишлаб чиқариш суръатларини пасайтирмасдан оммавий маҳсулот ишлаб чиқарувчи потокларда конструкцияси такомиллашган буюмлар тайёрлашни ўзлаштириш имконини берди. Юксак сифат потокларида тайёрланаётган маҳсулотлар аҳоли томонидан кўплаб харид қилинмоқда ва бундай маҳсулотларга рекламациялар тушмаяпти.**

**Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети шу корхоналар коллективларининг бу соҳадаги ибратли ишларини маъқуллади ва уни кенг ёйиш тадбирларини белгилади. Газетамиз редакцияси уларнинг маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини кўпайтиришни йўлга қўйишда тўплаган тажрибаларини мунтазам ёритиб боради. Қуйида берилаётган мақолада «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида юксак сифат потокларининг ташкил этилиши қандай самара бераётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.**

## ТАШАББУСИ МАЪҚУЛЛАНГАН МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ

«МАЛИКА» бирлашмаси республикада трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи энг йирик корхона ҳисобланади. Буни тасаввур қилиш учун шуни айтиш кифояки, биргина ўтган йили бирлашма коллективи 14 миллион дона ички ва 11 миллион дона устки трикотаж кийимлари тайёрлаб, савдо шохобчаларига юборди. Ишлаб чиқарилиб, реализация қилинган маҳсулот ҳажми улгуржи нархларда 91 миллион сўмликни ташкил этди.

Бирлашмада сўнгги йилларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам давлат Сифат белгисига сазовор бўлган биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Айниқса, ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида бу йўналишда катта силжишга эришилди.

Коллектив «Янгилик» индекси билан маҳсулот тайёрлашни ҳам йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда бунга эътибор кескин кучайтирилди. Чунки меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари шуни тақозо этмоқда. Ўзининг бичими ва модаси кўпчиликка манзур бўладиган трикотаж буюмлари тайёрлашни ўзлаштириш, уларни харидорлар ҳукмига ҳавола этиш, маъқул бўлганларини кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш давр талаби бўлиб қолди. Шуни ҳисобга олиб, биргина ўтган йили «Янгилик» индекси билан савдо шохобчаларига етказиб берилган буюмлар 5 миллион 628 минг сўмликни ташкил этди. Бу планда назарда тутилганидан 1 миллион 128 минг сўмлик кўпдир. Айни вақтда маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқариш жами буюмлар ҳажмида 76,2 процентга етди. Бу планда белгиланганига нисбатан икки процент кўпдир.

Ўтган йилги бундай ютуқлар беш йилликнинг якунловчи йилида янада мустаҳкамланмоқда. Биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқариш 76,8 процентга етказилди. «Янгилик» индекси билан харидорларга 3 миллион 820 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Бу — пландагидан 820 минг сўмлик кўпдир.

Бирлашма чеварлари маҳсулот сифатини яхшилашда бундай ютуқларга қандай эришмоқдалар! Унинг омиллари жуда кўп. Ушбу мақолада энг муҳимлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бу соҳадаги ишлар аввало маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий қилишдан бошланди. Бирлашмада бу муҳим техникавий тадбирга 1979 йилда киришилган эди. Шундан буён бу система муттасил такомиллаштириб борилди. Бу соҳадаги ишлар ҳамон давом этмоқда. Ҳозирги вақтда ҳам шу йўлда кўплаб ташкилий-техникавий тадбирлар амалга ошириляпти.

Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини такомиллаштириш программаси бўйича амалга оширилган тадбирлар орасида юксак сифат потоклари (ЮСП) алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бундай потокларда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари нисбатан анча юқори бўлмоқда.

— Юксак сифат потокларини ташкил этишдан олдин кенг миқёсда тайёргарлик ишлари олиб борилди, — дейди бирлашма партия комитетининг секретари Галина Арсентьевна Григорьян. — Потокда меҳнат қиладиган ишчилар учун техник ўқув ташкил қилинди. Улар бундай ўқувларда янгича таркибда ишлашнинг хусусиятлари билан таништирилди. Уларга қўшимча операциялар ўргатилди. Чунки у ёки бу сабаб билан ишчининг келмай қолиши оқибатида поток тўхтаб қолиши мумкин. Қўшимча операцияларни билганлар эса ҳамкасбларининг ўрнида ҳам бемалол ишлай оладилар.

Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари техник контролерларнинг малакасини ошириш юзасидан ҳам қатор чоралар кўрдилар. Уларнинг техник билим савияси янада яхшиланди. Контролерлар аттестациядан ўтказилди. Талаб даражасида ишлайдиганлари потокда қолдирилди. Бундан ташқари, асбоб-ускуналар профилактик текширувдан ўтказилди. Эскириб қолганлари янгилари билан алмаштирилди. Ҳозирги вақтда бирлашмадаги барча ЮСПлар асосан энг янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Уларда ҳаммаси бўлиб 154 та машина бор. Бу асбоб-ускуналарнинг 78 проценти бир—беш йилдан бери фойдаланиб келинмоқда. 19,4 проценти 6—11 йил давомида, 2,8 проценти 11—20 йилдан бери фойдаланиб келинаётган агрегатлардир. Энг сўнгги группага кирувчи 4 та қозонхона машинаси бор. Лекин улар эски бўлишига қарамай яхши ҳолатдалиги учун бемалол ишлатилмоқда.

Юқори сифат потокларидаги машина-механизмлар такомиллашган бўлса ҳам уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган кўпгина тадбирлар ҳам амалга оширилган. Бу соҳада корхона рационализаторлари самарали изланиш олиб бордилар. Уларнинг таклифлари билан потокларнинг механизация даражаси янада оширилди. Бунда янгилик ихлосмандлари яратган кўплаб махсус мосламалар жуда қўл келди.

Потокларни кадрлар билан таъминлаш масаласига чуқур ёндошилди. Чунки сифати яхшиланган трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бундай потокларда тажрибали ишчи-хизматчилар кўпчиликни ташкил этиши керак эди. Шундай қилинмаса меҳнатни янгича ташкил этишнинг обрўсига путур етказилиши турган гап эди. Шунинг учун потоклар коллективларининг кўпчилигини 5—10 йилдан бери ишлаб келаётган трикотажчилар ташкил этишди. Ҳозирги вақтда бундай потокларда жами 234 киши ишламоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида юксак сифатли 6 та поток ташкил этилди. Аввало бичиш цехида шундай поток тузилди. Шу асосда маълум даражада тажриба тўпланди. Кейинги потокларни ташкил этишда ана шу тажриба ҳисобга олинди. Якунловчи йилда яна 4 та поток тузилиши назарда тутилган. Шу вақтгача 2 таси иш бошлади. Шундай қилиб потоклар сони 8 тага етди.

Бирлашма маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари поток — бригаданинг пудрат асосида ишлашини йўлга қўймоқда. Шунинг учун ҳам бригадирликка номзодларнинг қобилияти алоҳида ҳисобга олинди. Биринчи потокнинг тикувчилик-бичиш цехида ташкил этилиши, унга коммунист Ойпас Аглямованинг бригадир қилиб тайинланиши ҳам бежиз эмасди. Чунки бу цехда ишлаб чиқариш жараёнлари пухта ташкил этилган эди, Ойпас Аглямова эса энг тажрибали, ўз касбининг сирларини пухта биладиган, кўпчилик ўртасида обрў-эътибор орттирган, юқори малакали мутахассис эди. Рихси Юсупова, Раъно Ниёзова, Лена Юсуповалар бошчилигидаги потоклар коллективлари ҳам маҳсулот сифатининг яхши бўлишини таъминламоқдалар.

Потокларда ишлаётган трикотажчиларнинг аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдорликларини оширишга қаратилган махсус Низом ишлаб чиқилди ва ҳозирги вақтда унга амал қилинмоқда. Шунга мувофиқ поток коллективлари ойлик планни тўла бажарса, ишбай асосида оладиган маошига қўшимча 40 процентгача миқдорда иш ҳақи олади. Ҳамма потоклар меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси асосида ишламоқда. Мукофотлар эса бригада советлари томонидан меҳнатда иштирок этиш коэффициентига қараб тақсимланмоқда.

Бирлашма коллективининг бутун куч-ғайрати муҳим вазифа — сифати яхшиланган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини ҳал қилишга қаратилмоқда. Трикотажчилар шу йўлда янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, илғор иш усулларини қўлланиш, замонавий техника воситаларини кенгроқ жорий қилиш асосида ўн иккинчи беш йилликда «Янгилик» индекси билан буюмлар тайёрлашни жами маҳсулот ҳажмида 30 процентга етказишни режалаштиришган. Бу хайрли ишда уларга муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

## БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ЧИРЧИҚДАГИ «Промтехмонтаж» бошқармаси ўзининг бунёдкорлик ишлари билан шаҳарда яхши танилган. Шуниси диққатга сазоворки бу коллектив қурувчилари барча объектларни барвақт фойдаланишга топшириш билан бирга уларнинг фақат «аъло» ва «яхши» баҳоларга қабул қилинишига эришмоқдалар.

Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида бу коллектив азаматлари 15 марта СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлганлиги фикримизнинг далилидир. Шаҳар меҳнат коллективлари ўртасида Май байрамини меҳнат зафарлари билан кутиб олиш мақсадида ўтказилган мусобақада ҳам улар байроқдорга хос намуна кўрсатдилар: бошқарма монтажчилари беш йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

*«ЧОРВАГА МЕҲР КЕРАК» МАҚОЛАСИ ЧОРВАДОРЛАР МУҲОКАМАСИДА*

# ИЛҒОР ТАЖРИБА—ҲАММАМИЗНИНГ МУЛКИМИЗ

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг 25 апрель сонида Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг донгдор сут соғувчиси Волида Мусаеванинг ишлари, илғор тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Чорвага меҳр керак» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Волида Мусаеванинг тўплаган бой тажрибалари баён этилиши билан бирга ҳар бир колхоз ва совхозда чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантириш, мўлкўл, сифатли маҳсулот етиштириш, хусусан, сут соғиб олишни кўпайтириш учун нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар, тавсия ва таклифлар ҳам ўртага ташланган эди. Мақола газетхонларда, хусусан, чорва ходимлари ва мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Мақола юзасидан Тошкент область партия комитети ҳам махсус қарор қабул қилди. Қарорда В. Мусаеванинг тажрибаларини кенг қўлланиш тавсия этилди. Редакциямизга В. Мусаеванинг тажрибалари кўпчилик учун фойдали эканлигини тасдиқловчи, унинг фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватловчи хат-хабарлар ҳам кела бошлади.**

## ҚУНТ-ҲАФСАЛА БЎЛСА БАС

● ҲАҚИҚАТАН ҳам чорвага меҳр керак. Бунинг учун чорвадор ўз касбига эътиқод қўйиши, ҳалол меҳнат қилиб, тадбиркорлик билан иш юритиши лозим. Мен қарийб ўн тўрт йилдан буён соғувчилик қилиб келаман. Лекин бирор йил ҳам баъзи бир «рекордчи»ларга ўхшаб ҳар бош сигирдан 5—6 минг литрдан сут соғиб ололганим йўқ. Масалан, ўтган йили ўз қарамоғимдаги 18 бош соғин сигирнинг ҳар бошидан 3350 килограммдан сут соғиб топширдим. Ортиқой Ашурова, Манзура Ҳазратқулова, Махфурат Ҳақназарова сингари шогирдларим ҳам бу кўрсаткични 3100—3300 килограммданга етказдилар. Натижада фермамиз коллективи давлатга пландаги 800 тонна ўрнига 861 тонна сут топшириб, йиллик планни ортиғи билан адо этди.

Озгина қунт-ҳафсала бўлса, бундай ютуққа ҳар бир ферма коллективи эришиши мумкин. Бунинг учун соғувчилар сигирнинг феълини билиб, уни яхшилаб парваришлашлари керак. Мен ҳар куни эрталаб соат 5 яримда фермага келаман. Биринчи қиладиган ишим иш жойини тартибга келтириб, охурларга ем-хашак солишдан иборат бўлади. Сўнгра сигирлар елинини илиқ сув билан ювиб, массаж қилиб ийдираман. Соғишни бошлашдан олдин эса елин учида тўпланиб турган сутни соғиб ташлайман. Шундай қилинганда сутнинг сифати бузилмайди. Соғин тугагандан кейин эса елинда қолган сутни яна қўлда соғиб оламан. Чунки елинда қолган сут таркибида ёғ миқдори анча кўп бўлади.

Фермамиздаги сигирлар асосан «Тандем» аппаратлари ёрдамида соғиб олинади. Лекин мен биринчи марта туққан сигирларни олти ойгача қўлда соғаман. Сабаби дастлабки кезларда ёш сигирларнинг елини эластиклик хусусиятига эга бўлмайди. Бундан ташқари, аппарат сўрғичлари уларнинг елинига катталик қилади. Қўлланилса, мастит касаллигини келтириб чиқаради.

Мавриди келганидан фойдаланиб, хўжалигимиз соғувчилари дилидаги бир гапни айтиб ўтишни лозим деб билдим. Колхозимизда 1100 бошдан ортиқ қорамол, жумладан 324 бош соғин сигир бор. Бугунги кунда улар асосан 30—35 йил муқаддам қурилган эски ферма биноларида боқилмоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина ишларни қўл кучи ёрдамида бажаришимизга тўғри келмоқда. «Эскисини ямагунча эгасининг эси кетади» деганларидек меҳнатимиз кўп бўляпти-ю, натижаси унча салмоқли бўлмаяпти. Айниқса бу йилги қиш чорвадорларимиз меҳнатини жуда мушкуллаштириб юборди. Агар хўжалигимиз раҳбарлари ферма биноларини реконструкция қилиб, замон талабига жавоб берадиган янги корпуслар қуриш хусусида жиддийроқ ўйлаб кўрсалар, айни муддао бўларди. Чорвадорларимизнинг иш унуми ортиб, маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш имконияти туғиларди.

**М. ҲАТАМОВА,**
**Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз сут соғувчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.**

## ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАЙЛИК

● ГАПНИНГ очиғини айтганда ҳамкасбим Волида Мусаеванинг чорвачиликни ривожлантириш, сигирлардан кўпроқ сут соғиб олиш борасидаги фикр-мулоҳазалари мени жуда ўйлантириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, ҳали бизнинг олдимизда зарбдор тармоқни жадал ривожлантириш, сигирлар маҳсулдорлигини оширишда жуда кўп вазифалар турибди. Мақола билан танишар эканман, ўзимнинг баъзи фикр-мулоҳазаларимни ҳам ўртоқлашишни лозим топдим.

Биринчи галда сигирлардан кўп ва серқаймоқ сут соғиб олиш соғувчининг тадбиркорлигига, ишбилармонлигига, тажрибасига боғлиқдир. Хўш, бизда ана шундай етук соғувчилар етарлими? Тўғри, республикамизда, областимизда донги кетган сут соғувчилар бор. Лекин уларнинг ўзи билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ёшларни чорвадорлик касбига меҳр қўйишга, илғор соғувчилар бўлиб етишишларига ҳаракат қилишимиз керак. Бу эса бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири.

Мен бу гапларни бекорга айтаётганим йўқ. Чунки айрим малакасиз соғувчиларнинг айби билан сигирлар касалланяпти, уларнинг соғин даври қисқариб кетяпти. Масалан, бир бош сигир мўлжалдаги 300 кун ўрнига 220 кун ҳам соғилмаяпти. Бу бир сигир муддатидан 80 кун илгари сутдан чиқиб кетди, деган сўздир. Бунга биринчи навбатда биз-соғувчилар айбдормиз.

Албатта, соғувчиларнинг тажрибасини ошириб бориш, уларнинг имконият даражасида ишлашлари учун шарт-шароит бўлиши ҳам керак. Афсуски, кўп ҳолларда хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ўзларининг ана шу бурчларини унутиб қўядилар. Шундай раҳбарлар ҳам борки, улар фермаларга йиллаб қадам ранжида қилишмайди. Хўш, ана шундай ерда чорвачиликни жадал ривожлантириш мумкинми? Йўқ, албатта.

Менимча аввало, хўжалик раҳбарлари чорвачиликка жиддий эътибор беришлари керак. Волида Мусаева айтганидек, биринчи галда уларда чорвага меҳр бўлиши лозим. Мутахассисларнинг масъулиятини кескин ошириш керак. Улар соғувчилар, чорвадорлар билан ҳамкорликда меҳнат қилишсин. Бизларга зарур маслаҳат, йўл-йўриқлар беришсин.

Хўжалигимиз чорвадорлари сўнгги йилларда бу борада анчагина ютуқларга эришаётганликларини қувонч билан айтиш мумкин. Биз доимо бир-биримизнинг ишимизни кузатиб борамиз. Камчиликларга йўл қўйсак, биргаликда бартараф этамиз. Ҳар бир тадбирни маслаҳатлашиб амалга оширамиз. Натижаси ёмон бўлаётгани йўқ. Давлатга гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш борасидаги йиллик план ва мажбуриятларимизни бажариб келяпмиз. Биргина 1984 йилда қарамоғимдаги 19 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3400 килограммдан ошириб сут соғиб олдим.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қиляпмиз.

**М. ПЎЛАТОВА,**
**Пискент районидаги Охунбобоев номли колхознинг сут соғувчиси.**

